

25  
ИСЛОМ КАРИМОВ

ЁПЛАР БУГУНГИ  
ВА ЭРТАНГИ  
ХАЁТИМИЗНИНГ  
ХАЛ ЕКИЛУВЧИ  
КУЧИДИР



ISBN 978-9943-04-274-2

9 789943 042742

*Mominkut*



ИСЛОМ КАРИМОВ

ЁШЛАР БУГУНГИ  
ВА ЭРТАНГИ  
ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ  
ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР



ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2015

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

К 25

**Каримов, Ислом.**

К 25

Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал килувчи кучидир [Матн] / И. Каримов. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 128 б.

ISBN 978-9943-04-274-2

Азиз китобхон, ушбу китоб 2006 йилда нашр қилинган эди. Маълумки, ўтган даврда мамлакатимиз, ҳалқимиз, жумладан, ёшларимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, Ўзбекистон деб аталган гўзал ва бетакрор Ватаанд яшаш, унга ҳар томонлама муносиб фарзанд бўлиш нақадар улкан баҳт эканини чуқур идрок этишда, ҳеч шубҳасиз, бундай китобларнинг аҳамияти беқиёс.

Ана шу ҳақиқатни инобатга олиб, мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кейинги йиллардаги нутқ ва маърузалари, китобларида мамлакатимиз ёшлари, уларнинг олдида турган мақсад ва вазифалар, барчамиз учун муқаддас бўлган она юртимизни кўз қорачигидек асрар ҳақидаги энг муҳим, ҳалқимиз ўртасида кенг ёйилиб, ҳикматли сўзларга айланаб кетган фикр ва ғоялар билан тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилмоқда.

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)



© «Маънавият», 2015

# *Кеча ким әдигу бүгүн ким бүлдик?*





Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чукур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги мараларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафакат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.



Халқ қачон халқ бўлади – агарки ўзининг тарихини билса. Халқ қачон халқ бўлади – агарки бирбирига меҳрли, меҳр-оқибатли бўлса. Ана шунда бу эл ҳақиқий халқ бўлади. Энг муҳими, эртанги кураётган тизим, эртанги кураётган ҳаёт барчани кизиқтирадиган бўлса. Шу юртда яшайдиган барча инсонлар бир мушт бўлиб, ўз олдига кўйган мақсадларга эришиш учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, буни халқ дейди. Ўз-ўзича тарқоқ бўлиб, бизга барибир, деб юрганлар ҳеч қачон халқни ифода қилолмайди.



Тарих ҳақиқати шуки, империя деган тузум  
хеч қачон күп яшамайди. Нега деганда, империя  
ҳамиша зулмга асосланади.



Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли  
тиник бир күзгү. Үнга қараб сабоқ оламиз, хulosा  
чиқарамиз, келажак йүлини белгилаймиз.



Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқат-  
ларини билиш кишига құвват беради, уни ҳаёт  
ҳақиқати билан қуроллантиради.

Тарихни ёзишда хеч қачон үңг томонға ҳам,  
чап томонға ҳам оғмасдан, фактат ҳақиқат ва адолат  
нұктай назаридан йүл тутилиши керак. Сохта та-  
рих бамисоли оғу каби инсонни заһарлайди, унинг  
онгу дунёкарашини чалғитади.



Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув  
ва хаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тұлалигича  
кейинги авлодға етказиш ҳар бир инсоннинг кела-  
жак олдидаги мұқаддас бурчи ҳисобланади.



Илгари ҳам, ҳозир ҳам собиқ мустабид тузумни ёқлаб чиқаётганларнинг бирорта гапига ишониб бўлмайди. Биз бир пайтлар кўкларга кўтариб, мук тушиб сиғинган Ленин бобо, Сталин бобо ва бошқа «бобо»ларимиз ҳақиқатда ҳаммаси қаллоб ва жаллод бўлиб чиқди...

Мен ҳозирги ёш ўғил-қизларимизни кўриб хурсанд бўламанки, улар бундай ёлғон гаплардан мутлако узок бўлиб вояга етмоқда. Ўша замонда энди мактабга борган бола аввал «октябрят» нишонини тақарди. Ўзингиз ўйланг, 6–7 ёшга кирган бола нимани билади? Бу ёшда бола факат офтобни, очилган гулларни, умуман, атрофидаги оламни кўриб хурсанд бўлади. Онасини кўрса, байрам бўлса, кувонади.



Ўзимнинг ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бу дунёда ёмонликни кўрмаган одам яхшиликнинг қадрини билмайди. Қийналмаган одам ҳақиқий баҳт нима эканини тўлиқ англааб етмайди.



Биз эски адолатсиз тузумга бошқа ҳеч қачон қайтмаймиз. Ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлидан қатъият билан борамиз. Нега деганда,

халқимиз собиқ тузум даврида қанча зулм қўрганини, қанча-қанча одам қатағон қилинганини эсидан чикаргани йўқ.



Биз шуни яхши англашимиз керакки, демократия ҳеч качон бир хил шакл ёки мазмунда бўлмайди. Демократия дегани – бу ҳамиша ўзгариб турадиган ҳаёт тарзи, жамият тизимининг ривожи билан узвий боғлиқ ҳодиса.

Демократия – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади.



Демократия йўлига киришимиз аввало аҳолимизнинг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиклар ва қолиплардан воз кечишимизни сўзда эмас кундалик ҳаётимизда таъминлашни талаб қиласди.



Инсоннинг табиати шундайки, вақт ўтиши билан ёмон воқеалар эсидан чиқади. Бир томондан қараганда, бу – тўғри. Чунки инсон бошидан кечирган баҳтсизликларни, эзилган кунларини эслашни

хоҳламайди. Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабок чикариб яшаши лозим.

Мен, авваламбор, ёшлиаримизга қарат айтмокчиман: ўкинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди.



Янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамиизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсикларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан, ўз олдимизга кўйган буюк мақсадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз.



Ўз вақтида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хомхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазийик ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган,

демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шаклантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб боскичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлимизни катъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий ютуғимиз бўлди.



Улкан ютуқ ва мэрраларнинг асосий омили ва мезонини биз, аввало, одамларимизнинг онгу тафкури, дунёкараши тобора ўзгариб, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, фуқаролик савияси ва бурчи юксалиб бораётганида қўрамиз. Энг муҳими, эски, ўзини оқламаган тизимнинг колип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу хақиқатни яккол англамоқдамиз.



Такрор-такрор айтишга тўғри келади – фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда эртанги кунга бўлган юксак ишонччи олдимизга қўйган мақсадларга эришишда улкан ва кудратли замин бўлишига аминман.



Ҳавойи гаплар билан «Биз мустақил бўлдик», деб кўкрагини кериб, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш учун ҳаракат қилиш ўрнига бошқа давлатларнинг пинжига кирган баъзи мамлакатлар бугун қандай ахволга тушиб қолганини ўзингиз кўряпсиз. Айримлари қарзга ботиб қолгани ва ундан қутилишга ҳеч қачон куч-қуввати етмаслигини ҳам яхши биласиз.



Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. Ўзини бошқа бирорларга ипсиз боғлаб бермаслик керак.



Бирорга боғланиб қолиб, факат бошқаларнинг буйругини бажариб юрадиган бўлса, кулогигача қарзга ботган бўлса, айтинглар, буни мустақиллик деб бўладими?

Ҳеч ким дунёда бекордан-бекорга қарз бермайди. Ўзининг сиёсий ёки бошқа талабларини қўяди. Бирорнинг қўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тўлиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шу: факат ўз куч-кудратига ишонган халқина ўз мурод-мақсадига етади.



Биз катта йўлга чиқиб олдик ва унинг амалий натижаларидан барчамиз ҳар куни баҳраманд бўлмоқдамиз. Шунинг учун ишончим комил: юртимизда ҳеч ким эски даврга қайтишни хоҳламайди. Биз халқимизни қийнайдиган, турли ижтимоий қатламларни ҳаётнинг табиий тўлқинига ташлаб, бозор ўзини ўзи бошқаради, деган, «шок терапияси» каби бемаъни усуллардан воз кечдик. Мана, кўриб турибсиз, биз танлаган йўл кескин ижтимоий портлашларсиз, аҳоли ўртасида табақаланишларсиз халқимизга фаровон ва обод турмуш олиб келмоқда. Кечагина бизга ақл ўргатаётганлар энди биздан ўрганмоқда.



Биз Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини олиб боришда баъзиларга ўхшаб осон йўлни қидирмадик. Яъни, четдан қарз олишда етти ўлчаб, бир кесдик, ички бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришга зўр бериб, олинган кредитларни, валюта маблағларини айрим давлатларга ўхшаб қисқа муддатда еб битирганимиз йўқ.

Биз, аксинча, энг оғир, энг қийин, лекин келаҗаги бор йўлни танладик. Инвестицияларни, аввалимбор, иктисадиётимизни тубдан ўзгартиришга, юкори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтиридик.



Ҳавойи гаплар билан «Биз мустақил бўлдик», деб кўкрагини кериб, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиш учун ҳаракат қилиш ўрнига бошқа давлатларнинг пинжига кирган баъзи мамлакатлар бугун қандай аҳволга тушиб қолганини ўзингиз кўряпсиз. Айримлари қарзга ботиб қолгани ва ундан қутилишга ҳеч қачон куч-куввати етмаслигини ҳам яхши биласиз.



Мустақилликка, сиёсий мустақилликка эришиш учун, авваламбор, иқтисодий мустақилликка эришиш керак. Ўзини бошқа бировларга ипсиз боғлаб бермаслик керак.



Бировга богланиб қолиб, факат бошқаларнинг буйруғини бажариб юрадиган бўлса, қулогигача қарзга ботган бўлса, айтинглар, буни мустақиллик деб бўладими?

Ҳеч ким дунёда бекордан-бекорга қарз бермайди. Ўзининг сиёсий ёки бошқа талабларини қўяди. Бировнинг қўлига ва юзига қараб яшайдиган инсон ва давлатнинг озодлиги бутун бўлмайди, мустақиллиги тўлиқ бўлмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз конуни шу: факат ўз куч-кудратига ишонган халқгина ўз мурод-мақсадига етади.



Биз катта йўлга чиқиб олдик ва унинг амалий натижаларидан барчамиз ҳар куни баҳраманд бўлмоқдамиз. Шунинг учун ишончим комил: юртимизда ҳеч ким эски даврга қайтишни хоҳламайди. Биз халқимизни қийнайдиган, турли ижтимоий қатламларни ҳаётнинг табиий тўлқинига ташлаб, бозор ўзини ўзи бошқаради, деган, «шок терапияси» каби бемаъни усуллардан воз кечдик. Мана, кўриб турибсиз, биз танлаган йўл кескин ижтимоий портлашларсиз, ахоли ўртасида табақаланишларсиз халқимизга фаровон ва обод турмуш олиб келмокда. Кечагина бизга ақл ўргатаётганлар энди биздан ўрганмокда.



Биз Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини олиб боришда баъзиларга ўхшаб осон йўлни қидирмадик. Яъни, четдан қарз олишда етти ўлчаб, бир кесдик, ички бозорни турли-туман моллар билан тўлдиришга зўр бериб, олинган кредитларни, валюта маблағларини айрим давлатларга ўхшаб қисқа муддатда еб битирганимиз йўк.

Биз, аксинча, энг огир, энг кийин, лекин келаҗаги бор йўлни танладик. Инвестицияларни, аввалимбор, иқтисодиётимизни тубдан ўзгартиришга, юқори технологияларга асосланган янги замонавий саноат корхоналарини барпо этишга йўналтиридик.

Ва бугун ана шундай узокни кўзлаган ишларимиз қандай юксак самара бераётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.



Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ана шундай мардлар ўсиб, вояга етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадики, эй, сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлақо бошқача! Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди.

*Соғлом авлод –  
Ўзбекистон  
келажаги*





Бу ёрг оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор.



Хар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандинг баҳтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу инилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.



Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади.



Она ва бола соғлом бўлса, оила баҳтли, оила баҳтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.



Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари XX аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва дол зарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.



Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Узбекистоннинг буюк келажагини назарда тутамиз.



Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт.



Соғлом авлод деганда, факат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.



Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирға, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни факат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.



Келажак авлод ҳақида қайгуриш, соғлом, барқа-  
мол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш биз-  
нинг миллий хусусиятимиздир.



Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждод-  
ларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга  
сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-бо-  
боларимизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар  
солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига,  
авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини  
кўрамиз.



Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Аскарлари  
бакувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг ас-  
карлари бақувват бўлур», деган. Шу фикрни давом  
эттириб, мен «Фарзандлари соғлом юрт қудратли  
бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом  
бўлади», деб айтмоқчиман.



Она Ватанига меҳр-муҳаббати баланд, Ўзбекис-  
тонни келажаги буюк давлат деб қарайдиган ва бу  
борада амалий ишларга тайёр ҳар бир юртдошимиз  
шуни билиши керакки, соғлом авлодни вояга етка-  
зиш барча улуғ мақсадларимизнинг асосидир.



«Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-кувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.




Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг баҳту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қиласи, ўзини аямайди.



Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш гоят мураккаб вазифа. Айниқса бугунги кунда – мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.



Барчамизга аён бўлиши керак: мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллатининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, курсатётган ғамхўрлигимизга boglik.





Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият кисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳалибери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимиизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг дикқат марказида туриши шарт.



Кишилик тарихи пайдо бўлганидан бўён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш баҳти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган.



Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир.

Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимиизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриялар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.



Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.



Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиласиз, вояга етказамиз.



Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз.



«Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшикнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қаратса айтмокчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.



Жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш – келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил

инсонлар этиб вояга етказиш, Оллоҳ таоло ато эт. ган қобилияларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш – биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.



Агар биз ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан тарбия қиласиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандларим, сизнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламни қандайдир ақида-параст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб қўйишим керак?!



Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир.



Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий максад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.



Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Факат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.



Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараккиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир каторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-канча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Агар биз ўз кучи ва салоҳиятига ишонадиган, бокимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала кила оладиган, оқни корадан, яхшини ёмондан ажратадиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан Оллоҳ берган акл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб этиштиrsак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.



Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндиғина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон хаётда кўп-кўп тўсикларга дучор бўлади, бекарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.



Биз демократик жамият қуарар эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик рухида, умумжахоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик. Жамият аъзоларини қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз – инсон хуқуклари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.



Таълим-тарбия ислоҳоти ҳакида гапирав эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин; бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак.



Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, такдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.



Қаранглар, ҳозир ёшларимиз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай эзгу орзу-умидлар билан эртанги кунга интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшишиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар – эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбига, керак бўлса, кудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни камраб олди. Мен шундан ғуурланаман. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан кайтариш – ганимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чуқур ўйлаб кўриш, унинг сабаб-оқибатларини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз зарур.



Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-рухий муҳитни сохта ақидалар, бакирик-чақириклар, ҳавои шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.



Таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла якунига етказиш, ёшларимизни бизга бегона бўлган заарли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллаши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бу ўта мухим, келажагимизни ҳал қилувчи масалани ечишда барчамиз масъул бўлиб, шахсан мен ўз масъулиятимни чукур ҳис қилган ҳолда, шу юртда яшаётган барча болалар менинг фарзандим, деганда, айнан шу масъулиятни чукур англаб яшаётганимнинг далили, деб биламан.



Ҳар кайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга кодир бўлган ўз таянчи ва суюнчини кўриши табиийдир.



Ҳар томонлама ҳавасга лойик комил авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин.



Талабалар яшайдиган жойда ҳамма масала адолатли ҳал этилиши даркор. Чунки ёшлар таъсирchan бўлади, адолат бузилишини ҳаммадан ҳам кўп айнан ёшлар юрагига яқин қабул қиласди.



Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолитимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Шу мақсадда бошлаган ишларимизни катъият билан давом эттириб, таълим соҳасидаги миллӣй дастурларимиз ижросини тўла якунига етказиши лўнда қилиб айтганда, ёшларимизни бизнинг табииатимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустакил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиши, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишимиз даркор.



Бизнинг фаолиятимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни саклаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кекса авлод вакилларини, ёш оиласларни кўллаб-кувватлаш, муҳтож тоифаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом этирилади.



Маълумки, бундан ўн беш-йигирма йил аввал ўткір ижтимоий муаммолар туфайли миллатимизнинг генофонди ёмонлашиб, айниқса, нимжон ва касалманд болалар сони ортиб кетгани халқимизда каттік ташвиш уйғотар эди. Кейинги вактда юртимизда ҳаёт сифатини юксалтиришга қаратылған харакатларимиз, медицина хизмати күрсатишни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш бүйича олиб бораётган амалий ишларимиз ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Ахолимизнинг ўртача умр күриши мустакиллик даврида 6 йилга ошгани ва 72,5 ёшни ташкил этгани, бугун балоғат ёшидаги болаларимизнинг бүйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4–8 килограммга ортгани, күкрап қафасининг эса 6–8 сантиметрга кенгайғани күзатылмоқда. Бу эса униб-үсиб келаётган ёш авлодимизнинг жисмоний ва маънавий нұктай назардан соглом бир шароитда ҳаётта қадам күяётганининг ёрқин далилидир.



Бугунги кунда «Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Лекин мен бу иборани кенгрок маънода ифода этишини истардим. «Фарзандларимиз, ёшларимиз

бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшли  
римиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи  
кучидир», десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган  
сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган  
даъват бўлади.



Чинакам ҳалқ бўлсақ, чинакам миллат бўлсақ  
улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандлари  
мизга ўзгалар ҳавас қиласидиган озод ва обод Ватан  
колдирайлик.



Кимки мустақиллик йилларида Ўзбекистон  
қўлга киритган муваффақиятларни кўрмоқчи бўлса,  
аввало, одамларнинг, ҳалқимизнинг юзига, кўзига  
қарасин. Мактаб, лицей ва коллежларда таълим-  
тарбия олаётган болаларнинг чеҳрасига боқсин.



Бир одамни, биргина гўдакни оғир касалликдан  
асраб, ҳаётини сақлаб қолишнинг ўзи соҳага сарф-  
ланган барча-барча маблағларни тўла оқлайдиган,  
ахамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўл-  
майдиган энг улуғ, энг савобли ишдир.



«Женерал моторс» билан ҳамкорликда курган  
заводимизда бўлганда, одам ҳайратда қолади. Инс-  
тиутни битирган ёш йигитлар компьютерлаш-

тирилгандай автоматик линияларда ишляяпти. Бүйүк сизларни ҳар томонлама қизиқтирадими, деб сүрасангиз, улар, ҳеч иккиланмасдан, бундай иш қизиқтирмаса, яна қандай иш қизиқтириши мумкин, деб жавоб беради. Биз ёш авлод тарбиясида нималарга эришганимизни шу мисолнинг ўзи якъол кўрсатиб турибди.



Мен аминман – мана шундай замонавий уй қурган одамларнинг фарзандлари, набиралари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб, вояга етган болаларнинг соғлиги ҳам, фикри, дунёқараши ҳам, албатта, бошқача бўлади.



Қиз болани коллежни битирмасидан, хунар эгалламасидан кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, мен бунга мутлақо қаршиман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўз ўрнини топади, йўлинни йўқотмайди.

Юртимиздаги ҳар бир қиз бола – бу менинг қизим, менинг набирам ва уларни хафа қилишларига мен ҳеч қачон йўл қўймайман.

Қиз бола – бу бўлғуси она, фарзандларимизни тарбиячиси. Эртанги авлод – бу Ўзбекистонниң келажаги дегани. Қишлоқларимизда агар қиз бола ўзига муносиб иш топа олмаса, дардини ҳеч кимга айтолмаса, ўз орзу-ниятларини амалга ошира олмаса, бу ҳоким бўладими, прокурор бўладими, бошқа мутасаддилар бўладими, шуни билиб қўйиши қерак, бу худдики қонунга менсимай қарагандек қабул қилиниши зарур.

## Ўзбекистон ёшлиари дунёда ҳеч кимдан кам эмас

Қиз бола коллежни битирмасидан, ҳунар эгалласидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўролмаслик, калтабинлик, деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касо эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўринни топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади. Эртага у курадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади.

Ота-онаси, фарзанди учун, эл-юрт, она Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр бўлган инсонни ҳақиқий ўғлон дейдилар. Ўғлон деган сўз билав ўғил деган сўзнинг фарки бор. Ўглон деган сўзни маъноси жуда катта. Яъни, ўғилларнинг энг сараси ни, мард йигитларни халқимиз ўглон дейди.





Биз янги мингийилликка кириб бормокдамиз XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халк кучли бүләди? Бу саволга, ахолиси интеллектуал нуқтай назардан баркамол, ёшлари билимли, орномусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат деб жавоб қайтариш мумкин.



Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилио яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келди.



Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлие бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошка халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб – бенсанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этишибизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак мұносабат ва хурматга лойик бўлишимиз даркор.



Биз бугун айрим давлатлардан моддий нұқтаи назардан орқароқда бұлсак-да (бунга күпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нұқтаи назаридан қараганда улкан ғуур ғылыми мемлекеттің мүмкін: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва конимизга сингиб кетған буюк ҳаётбахш күчга зәмін. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дүнёда зәтироф этилған. Ана шу қутлуғ меросга мұносиб бўлиб яшаш, бу бекиёс бойликни янада бойитиш, ривожлантириш, миллий үзлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.



Бугун биз ўтмишдан қолган оғир меросни, ўша пайтда йўл қўйилган хато-камчиликларни босқичма-боскич тузатиб боряпмиз. Қилаётган бу ишларимизнинг амалий намоёнини ёшларга ярати-лаётган шароитлар, янгитдан қурилаётган ва таъмирланаётган объектлар мисолида яққол кўриш мүмкін.



Мени доим қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, Худодан сўрайдиган энг катта илтижоим шуки, бетакрор, гўзал, саховатли,

Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албатта ҳар томонлама соглом, ўзининг куч-кудрати, қадди-комати билан, баркамоллиги билан ўзгалар. нинг ҳавасини уйготадиган эл яшashi керак.

Нега деганда, бугун дунёning кўп жойларини, турли эл-юртларни кўрган одам сифатида агарки мендан, Ер юзининг энг гўзал, энг латофатли ва нафосатли, оқила аёллари, сулув ва дилбар қизлари қаерда яшайди, деб сўрасангиз, мен ҳеч иккилан масдан фахру ғуур билан: «Ўзбекистон заминида», деб жавоб бераман.



Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлик ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.



Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун ҳалқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлиган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суюнчимиз деб билади.



Албатта, 18–19 ёшга кирган йигит-қиз ҳаётда ўз йўлини танлаб олишга қодир бўлади. Лекин бунинг учун нима керак – аввало шарт-шароит керак. Яъни, талабаларнинг замонавий билим олиши, соғлом турмуш кечириши учун тегишли имконият бўлиши зарур. Уларга шундай шароит яратиб берилса, ҳаётда ўз йўлини ҳам, ўз ўрнини ҳам адашмай топиб олади. Чунки уларнинг ақл-хуши етарли, қайси томонга бориш, ким билан дўст бўлиш, кимдан ўrnak-намуна олиш зарур – бу ёғини ўзи ҳал қиласди.



Мана, бугун шундай ғўзал ва шинам тураржойлар сизларнинг ихтиёрингизга берилмоқда. Бундай уй-жойларни қуришдан асосий мақсад – ёшларнинг қалбидаги жўшқин интилиш ва ҳавасларни, керак бўлса, талабларини рӯёбга чиқаришдан иборат. Шунинг учун менинг ниятим, менинг даъватим – бундай уй-жойлар янада кўпайсин.

Энди бу биноларни кўз қорачигидай асраб, бу ердаги шароитлардан оқилона фойдаланиш сизларнинг ўзингизга, ҳар бирингизнинг тиришқоклигингиш ва ташаббускорлигингишга, янгиликка интилиб яшашингизга боғлиқ. Агарки бу шароитларни қадрлаб, ёшликтининг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, қунт билан ўқиб-ўргансангиз, камолотга

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фаҳ соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагиннг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимиға ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўкув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.



Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими – бу ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён.



Бу борадаги фаолиятимизда замонавий меҳнат бозорини янада кенгайтириш асосида янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни саклаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва боаликни ҳимоя қилиш, ёш оиласарни қўллаб-

кувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож тоифаларга, кам таъминланган оилаларга эътибор, ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.



Юртимизнинг мард эркаклари ҳам, вояга етиб келаётган паҳлавон йигитларимиз ҳам ҳеч кимдан кам эмас.



Айниқса, ҳарбий хизматга отланган йигитларимизнинг бақувват қадди-қомати ва ақл-идроқи, истеъоддли ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, жаҳон спорт майдонларида эришаётган катта ютуқлари барчамизни хурсанд қилмоқда.



Албатта, Худонинг марҳамати билан энг гўзал, энг соғлом авлод бизнинг Ватанимизда камол топиши ниҳоятда табиийдир.

Бундай олижаноб мақсад билан яшаш, ҳаёт кечириш, бундай орзу-ниятларни амалга ошириш – ҳар қайси оила, авваламбор, ёш оилаларнинг инсоний, керак бўлса, миллий бурчига айланишини истардим.



Бизнинг энг катта куч-қудратимиз манбай бу – барча табиий бойликларимизни ишга солишга, буюк аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бетакрор маънавий меросдан, жаҳондаги тараққий топган давлатларнинг интеллектуал бойлиги ва тажрибасидан оқилона фойдаланишга тайёр бўлган, бир сўз билан айтганда, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйгунилиги асосида тарбия топаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодимиздир.



Менинг энг катта ишончим – ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шиҷоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниклашади, рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилади.



Бизнинг муқаддас бурчимиз – жондан азиз болаларимизга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, вояга етказишидир.



Менинг энг катта ишончим ва умидим – бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.



Фарзандларимизга нафакат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак.



Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида билимли, иймон-иродали, мардлик ва фидойилик фазилатларини намоён этишга қодир бўлган баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қиласи.



Фахр билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон болалари замонга мос, Ватанимизга, халқимизга муносаб равишда ўзгариб бормоқда. Бу бизнинг энг катта баҳтимиздир.



Айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъодини, куч ва

имкониятларини амалда намоён этиб, дастлабки умидбахш мэрраларни қўлга киритаётган навқи-рон фарзандларимизни кўриб, эртанги қунимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.



Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки XXI аср – интеллектуал авлод асри бўлади.



Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси, деб эълон қилғанмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.



Аслида Оллоҳ таоло инсон зотини табиатан соғлом, мукаммал яратади. Лекин, афсуски, аввало одам боласининг ўзи, колаверса, носоз мухит бу мукаммалликни бузади. Одамзот кўп жойларда, таассуфки, нафс, кибру ҳаво, жаҳолатга берилиб, ўзини ўзи турли балоларга гирифтор қиласди.



Бола туғилған кунидан бошлаб оила мұхитида яшайды. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урфодатлар бола зуваласини шакллантиради.

Эң мұхими, фарзандлар оиласий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайды, ҳис этади.



Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи карзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоколларидан сұрасанғиз, уларни лўнда килиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш.



Бу ҳаёт жуда тез – бошдаги дўппини бир айлантиргунча ўтади-кетади. Шу қисқа фурсатда инсон халқ учун, Ватан учун, ўз фарзандлари ва келгуси насллар учун савобли ишлар қилиб улгуриши керак. Олижаноб халқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли ишни адо этиши лозим.

Биринчиси, соглом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга етказиш.

Иккинчиси, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат қуриш.

Учинчиси, келажакни ўйлаб, яхши ният билан  
дараҳт ўтқазиш.

Бу инсоний интилишларда миллатимизнинг  
баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари ўз аксина  
топган.

Кисқаси, ўзбекнинг ҳамма орзу-хаваслари,  
хаётининг мазмунида фарзандларининг келажаги,  
бахту саодати билан боғлиқ мақсадларни кўрамиз.



Худо таоло яратган табиатнинг буюк мўъжиза-  
си бўлмиш аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида,  
юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга  
етказиш учун ўзини аямасдан, бутун хаётини бах-  
шида этади. Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик  
ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага  
ўтади. Соглиги ночор, хўрланган, изтироб чеккан  
онадан соғлом фарзанд туғилмайди.

Шу маънода аёлларни, оналарни асраш керак,  
дегани – бу фарзандларни асраш, наслни асраш,  
охир-оқибатда миллатни асраш демакдир.



Ёшларимизнинг барчасини teng кўриш, улар-  
нинг бой ва камбағалнинг боласига ажралиб  
қолишига йўл қўймаслик, ўқишини битиргач, ҳар  
бирини ишга жойлаштириш давлат ва жамиятнинг,  
ота-оналар ва ҳаммамизнинг бурчимиз.



Гарчи барча худуд ва миңтақларимиз ўзаро яқин масофада жойлашган бўлса ҳам, улар иқлими, обҳавоси, тупроқ ва сув шароити билан бир-биридан фарқ килади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларининг сирларини ҳар томонлама чукур биладиган, юраги, қалби билан шу заминда меҳнат қилишга бел боғлаган ёшларни – замонавий фермерларни тайёрлайдиган бўлсак, ўйлайманки, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Нега деганда, ўз юрти, ўз ерига кўнгил кўйган одам ҳеч қачон ҳеч қаерга кетмайди, ўзи туғилиб ўсган маконни обод ва фаровон қилишга интилиб яшайди.



Бу дунёда одам факат қорин тўйдириш учун яшамайди. Одам, аввало, одам эканини амалда намойиш қилиши керак. Шундай экан, биз ўз тарихимиз билан, буюк аждодларимиз билан ғурурланишимиз лозим. Шунга таяниб, янги-янги уфқларга отланиш зарур. Белни маҳкам боғлаб – «мана, мен борман» деб майдонга чиқишига тайёр бўлиб туриш керак. Мана шундай ҳиссиёт билан яшайдиган болаларни мен ўзимнинг фарзандларим деб гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман.



Бугунги кунда хорижий ҳамкорларимизниң «Сизларнинг ёшларингиз, болаларингизнинг кўзи ёниб туради» деган сўзларини ҳар қадамда эшитиш кийин эмас...

Бундай ёшларнинг харакати, интилиши ҳам шундай қатъий ва дадилки, менга имконият беринглар, мен ўзимни кўрсатаман, деб ғуур билин яшайдиган бундай болаларни, қани, айтинглар, сев-маслик, яхши кўрмаслик, улар учун барча-барча шарт-шароитларни яратиб бермаслик мумкинми?

# *Спорт – соғломлик ва комиллик гарови*





Соғлом, баркамол авлод камоли спорт ва жисмо-  
ний тарбия билан узвий боғлиқ.



Спорт ҳамма замонларда ҳам мамлакатни жа-  
хонга танитишнинг муҳим воситаси бўлиб келган.



Кимки бизнинг куч-кудратимизни билмоқч  
бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт май-  
донларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор бер-  
син, анғлаб олсин.



Спорт орқали боланинг дунёқарashi ўзгаради  
Кеча кўчада нима килишини билмай юрган бола  
бирон-бир хунар ўрганиш, спорт машғулотлари билан  
банд бўлса, ота-онасига ҳам бошқача кўз билан  
қарайди. Оилада меҳр-оқибат, аҳиллик кучаяди  
Айникса, ўғил болалар спорт майдонларида мар-  
лик мактабини ўтайди. Спортда қийинчиликни  
кўргани учун бир бурда нон қаердан келишини  
бу ҳаётнинг оғирликларини тушунади, ота-онасиг

га ёрдам беришга, уй-рўзғор ишларига қарашишга  
харакат килади.



Спортни ривожлантириш жамиятимизда меҳр-  
мурувват туйғусини юксалтириш борасидаги мак-  
садимизга, керак бўлса, сиёсатимизга ҳам жуда кат-  
та хисса кўшади. Билиб қўйинглар, ўзини ҳакиқий  
спортчи деб биладиган, спорт билан чин кўнгилдан  
шуғулланадиган одам ҳеч қачон бироннинг ризкига  
хиёнат қилмайди, қўполлик, баҳиллик, ҳасад каби  
иллатлардан йироқ бўлади.



Спорт фарзандларимизнинг характеристини тоб-  
лайди, қалбида ўз халки, юрти билан фахрланиш  
туйғуларини шакллантиради. Зоро, ғуур, фахру  
ифтихор инсон учун ўз максадларига эришишда  
мадад бўлади.



Халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон  
спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими,  
соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайди-  
ган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари  
бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.



Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, улар нинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.



Сиздек билим ва курашга ташна ўғил қизларимизни бағримга босиб айтмоқчиман: сиз – Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз – буюк юрт фарзандларисиз.



Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек зэзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суюнчимиз бўлмиш ёшларимизга бекиёс орзу-умидлар билан қараймиз.



Агар яхши инсон, етук мутахассис бўлсангиз, мана шу замин манфаатлари йўлида ёниб яшайдиган бўлсангиз, эл-юртнинг, ҳаётнинг ўзи сизни кўтаради. Халқимизда нарвонга ҳам аста-секин чиқиласди, деган гап бор. Ҳеч қачон унутманглар, бу дунёдан ҳамма нарса аста-секин, ўз йўли билан бўлади.



Биз учун давлат сиёсати даражасига күтарилиган  
устувор вазифа – нафақат маънавий етук, зукко ва  
Олимпидон, шу билан бирга, спорт ва кураш май-  
лонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга  
кодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда  
чиниккан мард фарзандларни тарбиялаш – бу бир-  
бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона  
максад булиши даркор.



Яна бир масала – талаба қизларимизнинг спорт  
 билан оммавий равишда шугулланиши учун ҳар то-  
монлама имконият туғдириб бериш керак. Боулинг,  
стол тениси, бадиий гимнастика каби спорт тур-  
ларини қизларимиз учун энг ёқимли, керак бўлса,  
давр талаб қиласидиган спорт ўйинлари десак тўғри  
булади.



Нима учун мен доимо, қизларимизни спортга  
кўпроқ жалб қилинглар, майли, улардан чемпион  
чикмасин, лекин улар соглом бўлиб вояга етсин,  
деб куюниб гапираман? Чунки миллат соғлом бўли-  
ши учун, албатта, эркак ҳам соғлом бўлиши керак,  
лекин биринчи навбатда аёл соғлом бўлиши лозим.  
Шу нуқтаи назардан қараганда, бу масалага ҳар  
куни, ҳар доим алоҳида эътибор беришимиз керак.



Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг хар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

Шу маънода, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.



Бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.



«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиниктириб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобакалари униб-ўсиб келаётган сиз, ёш

авлодимизни Ватанни ҳимоя қилишга, уни улуғлаш, қудратига қудрат қўшишга, халқаро майдонларда унинг обрў ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.



Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг равон йўлларини очиб бермоқда.



Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакор ўкувчилик йилларингиз сермазмун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва хаётда муносиб ўрнингизни эгаллаб олишингиз учун ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан халқимизнинг таянчи ва суюнчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байроғини ҳамиша баланд кўтаришга бор куч ва имкониятингизни сафарбар этасиз.



Мутасадди раҳбарлар болалар спортини ривожлантириш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини теран анғлаб олмоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси – мамлакатимиизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тұғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.



Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузищдан асосий мақсад – истиқлолнинг ilk йилларидаёқ белгилаб олинган буюк мақсад муддаоларимизга, қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашдир.



Жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг аҳамиятини нафақат жойларда спортни ривожлантириш тимсолида, балки муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг имон-иродасини мустаҳкамлаш, мустақил дунёқарашини

шакллантириш, туйғуларини қарор топтиришдек юксак мақсадларимизни рүёбга чиқаришда құмаклашиш билан ҳам исботлаб турибди.



Ватан, халқ шұхратини дунёга тараппым этишда спортнинг үрни бекійседір. Жаҳон миқёсидаги күплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.



Спорт нафакат жисмоний, балки маңнавий камолотта эришишда ҳам мұхим омилдір. У иродани тоблайды, аниқ мақсад сари интилиш, кийинчиликтарни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбіда ғалабага ишонч, ғуур өткізу және ифтихор туйғуларини тарбиялайды.



Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг үмід юлдуzlари, эртанги кунимизнинг ишончы ва таянчы деб биламан.



Соғлом, билимли ва ғидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади.



Мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг мана шундай спорт анжу манида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиклолимизнинг энг улуғ ютукларидан бириди десак, асло муболага бўлмайди.



Шуни унумтмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроги мўътабар Ватанингиз, бағри кенса матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.

**Биз киммиз, қандай  
буюк зотларнинг  
фарзандларимиз?**



биз халкимиз, миллатимизга ниқбатан ана шундай эхтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалилiddин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздан чараклаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм балки бутун Ўзбекистон фахруғуруидир. У бизнинг озодлигимизга, истиқтолимизга тажовуз килмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизни тасдиги ва тимсолидир.

Ҳар кайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири севган паҳлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга муnis оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахруғуруи бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

Тўққизинчи – ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни канчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда

Улар қолдирган буюк меросга биз, уларнинг авлоди бўлиб, нима улуш қўшамиз, бу бойликни кўпайтиришда бизнинг ҳиссамиз қандай бўлади, деган саволни ҳар қайсимиз, авваламбор, ёшлар ўзимизга бериб яшашимиз лозим. Шундагина аждодларимизга муносиб бўлиб уларнинг ишини давом эттириш учун белни маҳкам боғлаб, интиламиз, ўзимизга қандайдир куч-кувват топамиз. Табиийки, буларнинг барчаси, фахр-ифтихор туйғуси, унинг амалий намоёни бўлиб, бизнинг ҳаётимизда ўз натижасини беради.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-кудратини,adolatпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслashi керак.

Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз.



Аввало, ёшларимиз тарихни чукур ўрганишлари лозим... Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичидаги қолмади. Кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри холоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафакат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳалариdir.



Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташқил этади. Оламнинг кариб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-кудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.



Амир Темур – бизнинг шон-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.



Шунинг учун ҳам буюк Амир Темур авлодлари бўлмиш сиз, юртимизнинг азиз фарзандлари бо-бомизнинг бизларга қарата айтган – биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг зурриёдимиз, бизнинг ил-дизларимиз нақадар чукур, деган мазмундаги, бу-гун ҳам катта маъно ва ҳаётбахш кучга эга бўлган даъватини ҳеч қачон, ҳеч каерда унутмаслигингизни истардим.



Амир Темур ва Самарканд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.



Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг сultonи-  
нинг.



Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Инсоний ишқ-муҳаббатни, меҳру вафо, иффат, шарму ҳаё ва назокатни ёниб, ҳассослик билан куйлаган Навоийнинг гўзал сатрларини ўқиганда буюк ва олижаноб қалб садоларини сезиб турамиз. Бу юрак туғёнлари, мана, орадан беш ярим аср ўтса ҳамки, миллионлаб одамларни ҳаяжонга солиб келмоқда.



Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйгуси ҳам бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган.



Биз ҳамиша улуг аждодларимиз билан ифтихор қиласиз. Уларниң хотираси ҳозир ҳам она заминимизни шарафга буркаб турибди.



Биласизми, ғуурур-ифтихор одамда қачон пайдо бўлади? Авваламбор, инсон салоҳиятга эга бўлган тақдирда. Бундай одамда табиий ғуурур пайдо бўлади ва у, мен кимнинг авлодиман, қандай катта куч ва имкониятга эгаман, деган ифтихор туйғуси билан яшайди. Такрор айтаман, ғуурур дегани – бу салоҳият дегани.

Тарихий хотираси бор инсон – и<sup>р</sup>одали инсон.

Томирида миллий гуур, Ватан и<sup>ш</sup>ки жүш урма-  
ган одамдан жасорат кутиб бўлмайд<sup>и</sup>.

Ўзликни англаш тарихни билиш<sup>д</sup>ан бошланади

Айниқса, ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва  
халқимизнинг гуур ва ифтихорин<sup>и</sup> юксалтириш,  
қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни  
чукур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол ет-  
казиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат  
 билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг  
 меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз  
 учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётдан  
 жудо бўлиш демакдир.

Миллатни асрар керак, миллатни асрар утун  
 эса унинг ҳакиқий тарихини ўрганиш, авайлаб  
 химоялаш керак.



Тарих – халқ маънавиятигининг осидир.



Бизнинг аждодларимиз, жимиз, қадим, қадимдан ўтрок яшаган милләттимизнинг илиги ўтрок маданият шароитида қотга



Ўтмиш билан фахрланиш керлафтыхор қилиш зарур, лекин биз факат шу билди на чегараланиб колишимиз мумкин эмас. Сабад – факат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.



Шуни ҳам унутмайликки, бўнги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бундорларига факат тарихимиз билан фахрур ғуур ўзб яшаш кифоя қилмайди. Ғуурли, мард ёшлариз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислар сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нимал қолдиряпман?» деган тушунча ва интилишни он шуурига жойлаб яшashi керак. Эришилган ютуғимизни янада ривожлантириш билан бирга, босалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда бул келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, ғази хеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эммиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг вмун-моҳиятида айни шундай интилиш мужассамар.



Эртанги кунни ёргу ва саодатли кўрмокни истаган барча миллатлар орасида аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир.



Янги мингийилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қиласи. Бундай бойлик устувор бўлган жойга моддий бойликнинг ўзи оқиб келаверади.



Баъзи ривожланган давлатлар ҳаётини кузатиб, ўзимизники билан таққослаганда шуни кўриш мумкинки, улар техника, технология жиҳатидан илгари-лаб кетган, аммо маънавий жиҳатдан-чи? Фарзанд ўн саккиздан ошгач, ота-онасининг уйида яшаётгани учун уларга ижара ҳақи тўлайдиган мамлакатлар ҳам бор. Эҳтимол, бундай хусусиятлар баъзи бир халқларга эриш туюлмас, лекин бизнинг миллатимиз буни ҳеч қачон қабул қилмайди.



Мехр-оқибат, шафқат ва муруват – халқимизга хос энг катта бойлик. Азал-азалдан аждодларимиз, ота-оналаримиз ўз фарзандларига ор-номусдан тарбия берганлар. Ақлини таниган ҳар бир ўзбек йигит-кизи ўзини ёргу дунёга келтирган, оқ ювиб оқ тараган, вояга етказган улуг зотларни бир умр

бошига кўтарида, уларни ўз ҳолига ташлаб кўйинши  
иснод деб билади. Тилимизда меҳр-оқибат, ор-  
номус, андиша каби таржимаси бошқа тилларда  
топилавермайдиган сўзлар мавжудлигининг ўз  
халқимиз маънавияти нечогли юксак эканидан  
далолат эмасми?



Айни пайтда бутун халқимиз, авваламбор, ёшли-  
римиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, сахове  
фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятими  
бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи  
ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.



Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан  
маънавий меросимиздан го菲尔 этишга уриндилар  
**Аммо** биз **хурриятни орзу** этишдан, хуррият учун  
курашибдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу №  
сабимизни доимо ёдда сақладик.



Ватанимиз заминида яратилган илмий, маданият  
ний бойликлар наинки Ўзбекистоннинг, балки бу  
тун инсониятнинг бойлигидир. Чет эллик мемори-  
ларимизнинг, «Инсон дунёнинг қаерида яшамасини  
бу бойликларни, бу алломаларни билиши керак.  
Шундай мутафаккирларни вояга етказган халқ ҳам  
қандай юксак таҳсинга сазовор ва биз бу халқни

ана шундай кашфиётларни яна кутишга ҳақлимиз», деган гаплари, айтинглар, ҳаммамизга ғуур ва ифтихор бағишиламайдими?



Мен ғуур ҳакида күп гапираман. Негаки, ғуур ва ифтихор билан яшаш ўзликни асраш, бу дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан барчага тенг муносабатда бўлиш деганидир. Бундай ҳаёт тарзига ҳамма ҳам эришавермайди. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳр-окибат, саҳоватпешалик каби кўплаб чин инсоний фазилатлари қаторида яна шундай улуғ хусусияти борки, у ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган.



Буюк аждодларимизни, Амир Темур бобомизни эсланг, уларнинг ўгитларига қулоқ тутинг. Ҳар қайси одам – у қандай ёшда бўлмасин, қаерда ва қайси лавозимда ишламасин – бошига қандайдир оғир иш ёки ташвиш тушганида, мен кимман, қандай буюк ўтларнинг авлодиман, деган саволни ўзига берса, тўғри йўлни албатта топади.



Аввалимбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга колдирган насиҳатларини юрагимизга, кон-қонимизга, суюгимизга мустаҳкам жо қилишимиз керак ва болаларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор.



Тарихга холис назар билан бокиб, бу борада бир хулосани айтмоқчи бұлсак, бизни камситиб ерга урмокчи бұлғанларга қараты атоқли шоири міз Faфур Ғулом айтган сүзларни яна тақрорлашни ўринли деб биламан. Яъни, сизларнинг аждодларингиз, ота-бо боларингиз ҳали дараҳтга осилиб юрганида бизнинг ҳалқимиз, аждодларимиз инсоният тараққиётіга bemisл ҳисса күшганд цивилизацияларни юзага келтирганлар, оламшумул қашфиётлар қилғанлар. Хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар илм-фан ривожини белгилаб берган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.



Иймонли, иродали ҳалқ ҳеч қачон ўз тарихи, ўз Ватанига бепарво бўлмайди. Ҳеч қачон ўз ота-онаси, авлод-аждодларидан қолган фазилатларни унутмайди.



Йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин хотира ва қадрлаш деган ибора ҳалқимиз ҳаётида абадий қолади.

Ҳар қайси инсон, ҳалқ, миллат ўзининг тириклиги, барҳаётлигини хотира билан ўлчайди. Барчамиз хотира билан яшаймиз, хотира билан тирикмиз. Хотирасини, ўтмишини эсидан чиқарған инсон, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, ҳайвонга айланади.

# *Күч – билим ва тафаккурда*





Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат қадриятларини, бир сўз бидан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод миятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.



Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг буюни ва келажаги учун масъулиятини чуқур ҳис эгадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта муҳим ва ҳал килувчи масалага айланган эди.



Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбиячада нади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса берилган таълим самараси паст бўлиши мукаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиkdir.



Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос кобилияти ва истеъодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш – бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак, деб хисоблайман.



Хаммамиз бугун яхши тушунамиз – фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўкув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали қўпгина масалаларни ечишимиз лозим.

Лекин фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши – олдимиизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз керак.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўкув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар тугдириб бериш масаласи – тан олишимиз керак – ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда.



Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўз танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чукур билим эгаллаш, колледжлар эса маҳсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда мустакил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битиравчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносаб ўрин топиш учун 2–3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини беради.



Шулар қаторида бугун ҳаётимизга чукур кириб бораётган Интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимию бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қиласиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши лозим.



Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.



Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам күпроқ кучга эга.



Табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум – бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди.



Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аник бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.



Мақсад дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг рухини, ғуур-ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучdir. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юритимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни – халқ, миллатни – миллат қила билсин, қўнимизда енгилмас бир кучга айлансин.



Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички кувватнинг тўлиқ юзага чикиши учун зарур бўлган барча шарт шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан холос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб кобилията ва истеъодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги баҳт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур килиш хам осон эмас. Одимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан бекиёс бўлғиши мукаррар.



Умумий ва маҳсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавии дунёкараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга кодир бўлади.



Амир Темур бобомизнинг «Куч – адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча килиб «Куч – билим ва тафаккурда» деган бўлардим

Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий хаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий ракобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қайдаражада бардош бера олишимизга боғлик. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти хам, ақл-заковати хам етарли.



Ишонч йўқ жойда шижаат, ғайрат бўлмайди. Донишманд боболаримиздан бири бежиз: «Маърифат – бу шижаатдир» демаган.



Шу билан бирга, фахрур ғуур соҳиби бўлиш учун инсон интеллектуал бойликка эга бўлиши кепрак. Одам қанча чукур бойликка эга бўлса, дунёни яхши билса, ён-атрофда бўлаётган воқеаларни фалсафий жиҳатдан тўғри англай олса, шундан кейингина унда ғуур-ифтихор бўлади.



Маънавий бойлик моддий бойликтан минг бор устун.



Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Факат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур.



Бу борада домлалар жамоасининг – ўқитувчи ёки профессор бўладими, декан ёки ректор бўладими – умуман ўзини шу соҳага багишлиган одамларнинг, қолаверса, барчамизнинг асосий вазифамиз – ёшларимизнинг мустақил онги ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйгуси билан яшашга ўргатишдан иборат.



Жамият тараққиётининг асоси, уни мукаррап ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатdir.



Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли сахифасини ўзи ёзиши керак.



Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иктиисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир.



Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равища инқирозга юз тутади.



Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият қонуниятлари ни ҳар томонлама идрок этиш, Ер юзидағи турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан куроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бу-гунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман.



Мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва факт ҳақиқат бўлиши зарур.



Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур.



Бу борада домлалар жамоасининг – ўқитувчи ёки профессор бўладими, декан ёки ректор бўладими – умуман ўзини шу соҳага бағишилаган одамларнинг, қолаверса, барчамизning асосий вазифамиз – ёшларимизнинг мустақил онги ва дунёкараши шаклланишига қўмаклашиш, ҳайтда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат.



Жамият тараққиётининг асоси, уни мукаррап ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатdir.



Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши керак.



Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иктиисодий ёки сиёсий қарамлиқдан ҳам күра дахшатлидир.



Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.



Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият конуниятлари ни ҳар томонлама идрок этиш, Ер юзидағи турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бу-гунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман.



Мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва факат ҳақиқат бўлиши зарур.



Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур.



Бу борада домлалар жамоасининг – ўқитувчи ёки профессор бўладими, декан ёки ректор бўладими – умуман ўзини шу соҳага бағишилаган одамларнинг, қолаверса, барчамизning асосий вазифамиз – ёшларимизнинг мустақил онги ва дунёкараши шаклланишига қўмаклашиш, ҳайтда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат.



Жамият тараққиётининг асоси, уни мукаррап ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатdir.



Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши керак.



Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иктиисодий ёки сиёсий қарамлиқдан ҳам күра дахшатлидир.



Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.



Дунёни англаш, ҳаёт ва жамият конуниятлари ни ҳар томонлама идрок этиш, Ер юзидағи турли халқлар ва миллатлар дунёқараши, ғояси, маслак-муддаоларини билиш учун ҳам фалсафа фанини кенг ва атрофлича ўрганиш даркор. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизни фалсафий тафаккур билан қуроллантириш – давр талаби. Нега деганда, бу-гунги замонда ҳар қандай рақиб ва мухолиф билан баҳсга киришиш учун унинг қарашлари ва ғояси, фалсафасини кўпроқ билишимиз, керак бўлса, унинг ўзидан ҳам пухтароқ эгаллашимиз лозим. Мен ана шундай ёндашув тарафдориман.



Мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва факат ҳақиқат бўлиши зарур.



Энг даҳшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур куллиги.



Мафкура – ўтмиш ва келажак ўртасидаги күп-рикдир.



Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ күлөзма, уларда мужассамлашған тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлок, фалсафа, тиб-биёт, математика, физика, кимё, астрономия, меморлик, дәхқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади.



Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энғ улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг бита йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб истиқолни мустаҳкамлаб – олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор ғайратими<sup>з</sup> ана шу улуғвор ниятга йўналтирилиши керак. Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини яқдил, бир жон, бир тан қиласиган ғоя ҳам аслида шу.



Мафкура соҳасида бўшлиқ, вакуум бўлмайди.



Агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукмронлик қиласди.



Аслида одамга қачон ва қандай шароитда таъсир ўтказиш, онги ва шуурига бирон ғояни сингдириш мумкин? Қачонки, унда ўша ғояга қизиқиш уйғонса. Одамнинг ўзида қизиқиш бўлмаса, табиийки, унинг миясига зўравонлик билан ҳеч нарсани сингдириб бўлмайди.



Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади.



Хозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.



Эндиликда ядро майдонларида эмас, балки мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласди.



Менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади.



Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йирокмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.



Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустакил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиздир.



Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмонлик қилиши тайин.



Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси – бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.



Биздан жуда катта күч ва имкониятларни, миллиард-миллиард маблағларни талаб қиласынан, ёшлар тарбияси билан боғлиқ стратегик дастурларимизни изчил амалга оширмасак, юртимизда замонавий жамият, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг келажагини қуришга қодир бўлган янги авлодни тайёрлаш мумкин бўлармиди?



Инсоният қадам қўйган янги – XXI аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён.



Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўпкўп мисолларда исботлаб беради.



Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиғидир.



Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар би-лан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азмушижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимиизга айланиши керак.



Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир.

# *Миллий қадриятлар – миллатнинг руҳи*





Қадим-қадимдан бола тарбиясига ислом динининг таъсири жуда кучли бўлган. Чунки биз ўз динимизни қадрлаймиз, унга суннамиз. Нима учун деганда, соғлом одам соғлом фикрлайди, соглом фикрлайдиган одамгина Худога иймон келтиради, эътиқоди соғлом бўлади. Шундай экан, соғлом авлод тарбияси дин учун ҳам жуда аҳамиятли.



Ислом – ота-боболаримизнинг дини – мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир.



Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундан туради.



Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У куруқ ақидалар йиғиндиси эмас.



Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни муҳтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.



Динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас кадриятдир.



Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштиrmайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.



Менинг тушунишимча, Оллоҳ ягона. Ҳар бир дин уни ўзича қўради ва талқин қиласди.



Мен иймони бақувват одам деганда, аввало, виждонли, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борадиган, бирорнинг ҳақидан ҳазар қиласиган, бирорга ноҳак озор бермайдиган инсонларни кўз олдимга келтираман.



Ҳар кайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.



Ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон Она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қиласди. Аёлни

табиатнинг тенгсиз мўъқизаси деб билади, уни эъзозлаб яшайди.



Инсон дунёга яхши ишқилиш, яхши изқолдириш учун келади.



Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.



Бу умр, бу ҳаёт – балисоли Амударё сувидек тез оқиб ўтиб кетади. Шу қисқа ҳаётда инсондан, сиз билан биздан факат эту ишлар, оқил ва соглом фарзандлар, кўркам иморатлар, гўзал боғлар, хуллас, яхши ном, яхши хотира қолмоги даркор.



Маданият деган сўзни кенг маънода тушуниш керак. Ўз вақтида ишлаб, ўз вақтида дам олиш – бу ҳам маданият. Қуриладиан уйни гуваладан эмас, пишиқ гиштдан мустаҳкам қилиб қуриш – бу ҳам маданият. Ўз уйи, ўз мақалласининг тозалиги ва ободончилигига эътибор өриш ҳам – маданият.



Аёлни улуғламоқ – силани, Ватани, ҳаётни улуғламоқ демакдир.



Оила ҳақида сўз юригар эканмиз, аввало, кўз ўнгимизда она сиймоси шкіланади. Нима деганда, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил

- Она, ахли аёлнинг покизалиги, оқиласиғи, меҳру  
муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.



Қанча-қанча синов ва бўронларни бошидан кечириб, ўз она заминини не-не босқинчи, ёвуз кучлардан, ҳар қандай бало-қазолардан кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келган, ўз зурриёди ва насл-насабини ақл-заковат, мардлик ва матонат соҳиби этиб тарбиялаган, улар орасидан дунёни ҳайратга соглан олиму уламолар ва саркардаларни вояга етказган, шу эл-юртнинг мана шундай мунаvvар кунларга этиб келишида бекиёс куч-қувват ва мадад берган ким?

Бунга жавоб битта – минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда илдиз отиб, Оллоҳнинг марҳамати ва неъмати, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган – бу инсон ва бу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир.



Одамнинг қалбига неки олижаноб туйғулар мавжуд бўлса, улар аввало Онадандир.



Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйгулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз колдиради.



Инсон сўзи Она, Ватан деган каломлар каби мукаддасдир.

## Маънавий юксалиши – давр талаби

Фашизмга қарши жангга кирган бизнинг ота-боболаримиз кандайдир бир тепалик ёки кайсиdir бир «улуғ доҳий» учун жон бермаган. Ўзбек ўғлонлари, авваламбор, ўзи тугилган шаҳар ва кишлокни, ўз она юртини, ўз яқинларини, меҳрибон отаси ва онаси, севикли ёри, жондан азиз фарзандларини кўз олдига келтирган ҳолда беомон жангга кирган, шу мукаддас Ватанимиз учун жонини фидо қилган.

Озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг хаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак.

Бизда оиласда фарзанд дунёга келса, бу катта бойлик сифатида қабул қилинади. Бироқ бу бойликни эъзозлаш, ардоклаш, тарбиялаш керак. Бизнинг момоларимиз, ота-боболаримиз ҳаётий ўгитлари, панднасиҳатлари, шахсий ибрати билан ўз оиласларига кўрсатаётган ёрдамини нима билан ўлчаб бўлади? Ўз фарзандининг боласига, невараю эварасига улар кўрсатаётган меҳр ва эътиборни нима билан ўлчаб бўлади?

Агар аёллар учун, уларга алоҳида эътибор қаратишимиz учун байрам бўлмаганида, уни, албатта, ўйлаб топишимиз керак бўлар эди.

Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёlinи эъзозлаган эркак баҳтли бўлади, аёlinи хурмат қилган миллат кам бўлмайди.





Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун киладиган, виждонини ўйғотадиган бекиёс күч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳәётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз.



Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар кандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш кийин.



Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятилизни йўкотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак,

муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараккиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.



Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни куролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдигини узок ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келайётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



Агарки масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиласидиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий фуур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараккиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан ҳалос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудхиш хавф-хатарларни англаатади...

Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вактида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасақ, турли заарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрга олдидағи бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччик ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чукур англаб олишини истардим.



«Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда күрсатилғани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб килади.



Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоклайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрга учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.



Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омончикиб, ўзлигини доимо саклаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўрғонини қўриклишга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.



Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг енгилмас баҳодири – Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўглонларимиз – бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз.

Ишонаманки, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади. Бу қаҳрамонлик эпосини куйлаб, уни қалбига, шуурига жо қилган миллатни эса ҳеч қандай куч енга олмайди.



Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиласадаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унут-маслигимиз зарур.



Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут килиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксаг маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган.



Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб атамиши бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.



Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимида олиб борилаётган сиёsatнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда Уюртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада

мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида мұхим ақамият касб этмоқда.



Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига bogлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.



Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.



Мухтасар қилиб айтганда, охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўз киндиқ қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ ғуур ва ифтихори юксак бўлади.

Ватан роавнақи, аввало, унинг фарзандларига уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бе-восита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдоши мизни зими масидаги юксак фуқаролик масъулияти ни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг ҳалқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топған тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши щубҳасиз.

Эндилиқда олдимизда турган энг муҳим вазифа – миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиласидиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъномоҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётгани маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил сиркрайдиган етук дунёкараш эгаларни килиб тарбиялашдан иборат.



Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгалари-дир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.



Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафакат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.



Жамиятда пайдо бўлган гоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.



Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани.



Дунёдаги энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир.



Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аж-  
додлар ўгити билан бирга сингади.



Она тилининг буюк аҳамияти шундқаки, у маъ-  
навият белгиси сифатида кишиларни якин килиб  
жипслаштиради.



Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя  
гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик  
беради, кучайтиради.



Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг ма-  
данияти ва вазифаларини чукур билиш ёва тушуниб  
етишга суюнгандагина қудратли кучга айланади.



Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг,  
давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон  
баҳт-саодат бўлмайди.



Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва  
маблагни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир.



Ақл-заковатли, юксак маънавиятли киши-  
ларни тарбиялай олсаккина, олдимиззга қўйган  
мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик  
ва тараққиёт қарор топади.



Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.



Факат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тарақкиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламокда.



Маънавиятнинг сехрли кучи шундаки, у инсон қалбida эзгулик, саховат, меҳр-муруват каби олижаноб фазилатларни уйғотади.



Агарки қайсиdir мамлакатда бир янги кашфиёт килинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой албатта вакти келиб улуг олимларни етиштириб беради.



Дунёда қанча одам бўлса, ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди. Ҳар бир одамнинг ўзига яраша қадркиммати бор. Айни жиҳатни, аввало, раҳбарлар хисобга олса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Одамни менсимаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.



Агар сен одамларни севмасанг, халқингни, сенга ишонч билдирган одамларни юрагингга яқин олмасанг, раҳбар бўлишга умуман ҳаққинг йўқ.



Афсуски, айрим жойларда ҳали-бери эскича фикрлайдиган раҳбарлар борлигидан кўз юмиб бўй майди. Лекин улар ишида ўзгариш қилмаса, вакти соати келиб, албатта, уларнинг жойи ёшларнинг қўлига ўтади. Туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоятлар ҳокимлари агар эл-юрт ишига эътиборсиз караган бўлса, буни ҳар бир оиласага эътиборсиз қараш, юртимизга эътиборсиз қараш, деб қабул қилиш, буни ёшларимизнинг орзу-ниятлари рўёбга чикишига қарши қаратилган ҳаракат деб тушуниш зарур.



Бирорга яхшилик қилган одамга, албатта, яхшилик қайтади, ўзига қайтмаса боласига, набираларига қайтади. Бу фикр, бу ғояни айниқса энди катта ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз унутмасдан, умр бўйи бунга амал қилиб яшаса, ҳеч қачон кам бўлмайди.



Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётига энг катта зиён етказадиган нарса бу – сохта ва ёлғон информация. Бу – одамларни йўлдан урушнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чалғитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб, турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қутишда бу усул кенинг қўлланмоқда.

# Ўзбекистон – ягона Ватан





Мустақил Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини ўз кўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагини жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир кисми сифатида қуришга азму қарор килган заҳматкаш халқимиз ўзининг фидойи меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тарақкий топған мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечиришга ҳаклидир.



Ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу – ҳаёт. Бу – ҳаётнинг аччик ҳакиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.



Ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг хоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупрокнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.



Эзгу орзу-умидлар билан мустакил ҳаётга қадам күйётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат килиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини ташлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда.



Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат килиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиникиб, иродаситобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда. Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.



Мамлакатимизда жорий этилған сафарбарлик-чакирув резерв хизмати тизими ўзини тўлик оқламоқда. Унинг сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаш ва чиникиш мактабини ўтамоқда, ўзининг эл-юргача учун кераклигини яна бир бор хис этмоқда.



Ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келади<sup>н</sup> ган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган соткин, ий-монсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун<sup>н</sup> кўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган Ватан<sup>н</sup>ига кўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эхтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахслар<sup>н</sup>инг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчл<sup>н</sup>иги ва таракк<sup>н</sup>иётига қандай ҳавф-хатар эканини бу<sup>н</sup>гунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.



Эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайгурадиган, одамларнинг эзгу негизятларини ўзига олий мақсад килиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолар<sup>н</sup>дан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина<sup>н</sup> тарихда ўчмас ном колдиради. Бу – ҳакиқат.



Жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин<sup>н</sup> бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин ф<sup>н</sup>акат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар бири<sup>н</sup>изнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмун<sup>н</sup>ига айланиши лозим.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу<sup>н</sup> мустакил, демократик, ҳуқукий давлатdir. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати.

дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фукароларнинг ҳуқуклари ва эркинликлари-ни таъминлаб берадиган давлатdir.



Ишончим комилки, ёш авлодимиз, келгуси насл-лар биз бошлаган мана шу ишларнинг муносиб да-вомчилари бўлиб, она юртимиз, бебаҳо тарихимиз, улуғ аждодларимиз, қадимий шаҳарларимиз билан ҳамиша ғуурланиб яшайди. Улардан куч ва руҳий кувват олиб, жонажон Ўзбекистонимиз тарихини бутун оламга тараннум этади.



Биз меҳр ва мухаббатни, садоқат ва фидойилик-ни муnis оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз уларга аталгандир.



Ўзбекистон – муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандлари-мизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, улар-нинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир каричига меҳру мухаббат уйготиш – бугунги кун-нинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаёт-ганлиги ҳаммамизни кувонтиради.



Бу азиз Ватан – барчамизники. Унинг баҳт-са-одати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшाइтган ҳар бир инсон учун баҳтдир.



Менинг Ватан озодлиги, ҳалқимнинг смонилиги, юртимнинг равнақи, мана шумукаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиласинг фаровонлигидан бошқа мақсадим йўқ.



Бир нарсани ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслиги керак – Ўзбекистон Оллоҳнинг назари, меҳри тушган, файз ва барака ато этилган бетакрор заминидир. Бизнинг қонимизга, суяқ-суяқиаримизга киричб борган буюк аждодларимиз, авиё-мутафақкирларимиз, фозилу уламоларимиз насиҳатлари, ўғитлари, улуг мерослари бизга куч-қуъват ва эрталиги куни мизга ишонч бағишлайди.



Токи юртимиз гўзал, файзи, эркин ва адсолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар колсин, боғ-роғларимиз қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи биздан олис аавлодларга озод ва обод Ватан қолсин.



Она заминимиз – бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимиғизнинг асосий манбаидир.



Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичгаинмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, фурурла намиз.



Тошкент – Шарқ дарвозаси, деб қом олган, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мазҳега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, бутун жаҳон микёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шахридир.



Бухоро қадим-қадимдан шерюрас баҳодирлар, мард пахлавонлар юрти бўлиб келгац. Бугун дунё микёсида эътироф этилаётган ўзбек миллий курашининг ватани ҳам мана шу заминди).



Сурхон воҳаси ҳақида гап борар жан, авваламбор, бир томони арчазор тоғлар, бир юмони бепоён далалардан иборат гўзал, қуёшли бир ўлка, шу ўлкада яшаётган, ўзининг куч-қудратига ишонган, ўзига тўқ эл-юрт кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мана шу гўзал, ҳар томонлама бетакрор юртда яшайдиган меҳнаткаш, бағрикенг халқни, очик ўнгил, қалби кайнок одамларни тасаввур этамиз.



Тошкент вилояти деганда, кўз олдимиизда Чотқол, Угам, Чимён каби тоглари, серҳосил далалари, улкан саноат корхоналари, замонави шаҳарлари, Файзли қишлоқлари, сўлим бог-роғлари бўлган гўзал бир воҳа намоён бўлади.



Қашқадарё – буюк Ватан ичра янги бир азиз ватанимдир.



Қашқадарё – мамлакатимизнинг кўп-кўп табиий захиралари жойлашган ҳудудларидан бири, улкан имкониятларга эга бўлган, гўзал ва бетакрор, Оллоҳнинг назари тушган макондир. Ва ўз юртини обод этиб, шу воҳага садоқат билан яшаётган мард ва жасур инсонлар ватанидир.



Самарқанд – халқимиз, миллатимиз довругини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илохий масканимиздир.



Навоий вилояти деганда, бу гўзал воҳанинг бетакрор табиати, чексиз чўл ва далалар, бепоён яйловлар билан бирга, улкан саноат минтақаси кўз ўнгимизда намоён бўлади.



Сирдарё тарихи – халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида узоқ ва қадимийдир.



Фарғона вилояти республикамизнинг таянч тоғларидан бири ҳисобланади.



Андижон деганда, кўз ўнгимизда буюк инсон, улкан шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, темурйилар авлоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур гавдаланади. Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий дараҷадаги шарқона одоб ва ахлок тимсолидир.



Жиззах воҳасининг гўзал ва бетакрор гўшаларини, Бахмал ва Зомин манзараларини, Форишнинг баланд тоғларини бир бор кўрган киши бу жойларга мафтун бўлиб қолиши муқаррар.



Ўзбекистоннинг истиқболи – Қорақалпоғистоннинг истиқболи, Қорақалпоғистоннинг истиқболи – Ўзбекистоннинг истиқболи, десак, хато бўлмайди.



Хоразмнинг шонли тарихи бизда ўтмиш меросимиз билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини ийғотади. Чунки Хоразм тарихи ўзбек давлатчилик тарихининг узвий қисмидир, унинг қудрати ва қадимийлиги тимсолидир.



Наманган замини қадимдан тўқимачилик, пойабзал тикиш, темирчилик, ганчкорлик, дурадгорлик, ўймакорлик билан шуғулланадиган моҳирхунармандлари, устахона ва дўконлари билан бутун минтақамиизда машҳур бўлган.



Ҳар бир қарич ери муқаддас бўлган она Ўзбекистонимиз тупрогида жойлашган ва бутун жаҳон ахлига ўзини танитган, ёши асрлар, минг йилларга тенг келадиган машҳур шаҳар ва масканлар, бебажо молдий ва маънавий мерос ёдгорликлари билан

халқимиз, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Биргина саҳоватли Қашқадарё заминидаги 2700 йиллик тарихга эга нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкilotи томонидан эътироф этилган Шаҳрисабз ва Қарши каби шаҳарларнинг мавжудлиги ҳам бизнинг тарихий илдизларимиз нақадар чуқур ва накадар қадимий эканлигидан яққол далолат беради.



Биз барчамиз – ўзбек халқи фарзандлари, оғир синовларда ўзаро бирлашиб, аҳил бўлиб, қўлни қўлга бериб, елкадош бўлиб, ҳакиқат учун курашда чиникдик. Энди бу халқни ҳеч қаҷон енгиб бўлмайди.



Ўзбеклардек ватанин севадиган, юртига боғланган халқ йўқ жаҳонда. Бундай танти халқни тўғри йўлга бошлиш, унга етакчи бўлишнинг ўзи катта баҳт!



Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў-эътибори, аввало, шу эл-юрга карор топаётган тинчлик-осойишталикка, шу ерда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг тотувлигига боғлиқ. Шу маънода, биз, энг катта бойлигимиз бу – мамлакатимиздаги тинчлик, миллатлар ва фуқаролар тотувлигидир, деб доимо фахрур ғурур билан такрорлаймиз.



Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳукукларидан бири бу – тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча конуний

воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу хуқукни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади.



Бизнинг мамлакатимиз – кўпмиллатли мамлакат. Уларнинг тинч-тотув, баҳамжихат ва аҳил яшаб меҳнат қилаётгани – бизнинг улкан бойлигимиз.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар, Ватанимизнинг янада равнақ топишида барчамиз, шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон бу ютукларда менинг ҳам муносиб хиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳаклидир.



Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.



Хозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйготиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.



Ватанни ҳимоя қилиш – Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг муқаддас вазифасидир.



Ўзбекистон давлати беш тамойилга амал килмоқда. Биринчи тамойил – иқтисоднинг мафкурадан тўла холи бўлиши. Иккинчиси – давлат – бош ислоҳотчи, яъни биз ўтиш даврида иқтисодиётнинг бошқарилиши тарафдоримиз. Учинчи тамойил – қонуннинг устуворлиги. Тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсат. Бешинчи тамойил – барча сиёсий ва ижтимоий жараёнларга босқичма-босқич ўтишdir.



Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўли қуийдаги учта муҳим шартга асосланади:

- умуминсоний қадриятларга содиклик;
- миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий месросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуклари билан бойитиш;
- ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъодиди ни эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор еркудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний

маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими – бу  
шерда меҳнатсевар ва истеъодли халқ яшайди.



Мустақилликни мен жуда содда тушунаман. Унинг маъноси жуда оддий. Мустақиллик дегани шуки, бизлар – асрлар оша бирорларнинг оғзига караб яшаган халқ, ниҳоят, ўз тақдиримизни, хаётимизни, келажагимизни ўз қўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа – шу буюк неъматни қўлдан бермаслик.



Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг куч-қудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни баҳш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносаб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир.



Ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора қўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан кайтмайди.



Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш,

ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.



Истиқоллини ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина бизни танлаган йўлимиздан ҳеч кандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буқолмайди.



Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод қадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.



Биздан кейин келадиган кўп-кўп авлодлар, албатта, мустақилликка эришганимизни ҳаёт мезонлари билан ўлчаб, унга ўз баҳосини беради.

Лекин бугун виждонимиз олдида ҳисоб бериб айтадиган бўлсан, бунга ким қайси кўз билан қарамасин, Ўзбекистон мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган буюк тарихий воқеа бўлиб колиши муқаррар.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди ва инкор этишга ҳаққи ҳам йўқ.

Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак:  
хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бу бир кунлик ёки  
бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик  
иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-  
онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимиз-  
га билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда  
ўзимни масъул деб биламан ва бундай вазифамдан  
хеч қачон қайтмайман.

Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш  
туйгуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик  
пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарқ этмайди.  
Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналиқ ҳисси одамзот  
қалбидан бир умр ўчмайди.

Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кунда-  
лик ҳаётидан норози бўлиши мумкин. Лекин у ҳеч  
қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа бўли-  
ши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам билан,  
эл-юргита нисбатан хиёнат йўлига ўтиши мутлақо  
ғайриинсоний, гайритабиий ҳолат деб биламан.

Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмай-  
ди.

Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди!  
Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган

мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаллас вазифангиз – юртимиз истиклонини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачигидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.



Мустақил Ўзбекистонни ким ҳимоя қиласди – факат ўзимиз, энг ишончли ҳимоячимиз – бу ўзимизнинг халқимиз.



Ватанпарварлик – бу шундай нозик, теран туйғуки, у факт онагу сути билан кириши ва жон билан чиқиши мумкин.



Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу замин оддий юрт эмас, Оллоҳнинг назари тушган юрт. Фақат барчамиз эрталаб пок бўлиб, Яратганимиздан сўрашимиз керак. Эл-юртимизни ўз паноҳида қандай асраб келаётган бўлса, бундан кейин ҳам марҳаматини биздан дариф тутмасин, энг муҳими, йўлимизни доимо очиб берсин, барча ютуқларимизда ўзи мададкор бўлсин!



Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

*Эртага ким  
бүлишишимиз, қандай  
янги марраларни  
эгаллашимиз керак?*





Фақатгина биз танлаган боскичма-боскич, тадрижий ривожланиш йули халқимиз күзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқук ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, конун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мукаррар.



Мамлакатимизнинг баркарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча гов ва тўсикларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.



Ҳаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, ҳаммамизнинг душманимиздир. Узбек халқи ҳамиша ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб яшаган ва эзгу орзу-умидларига эришиш йўлидан ҳеч қачон қайтмаган.



Биз шуни доимо ёдда тутишимиз керакки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди ва эришган

натижалари билан кифояланмасдан, дунёда ке-  
чаётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига  
ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг то-  
бора ортиб бораётган талаблари ва жаҳон бозори-  
да кучайиб бораётган рақобат курашига мос ҳолда  
кадам ташлайдиган давлатгина биринчи навбатда  
муваффакият қозона олади.



Халқимизнинг тарихий-маънавий ўзига хосли-  
ги, азалий қадрият ва анъаналаримиз, эл-юртимиз  
ҳаётида асрлар давомида шаклланиб келаётган иж-  
тимоий адолат тамойилларининг ўзи биз қураётган  
янги жамиятда ўта бойлар ҳам, ўта камбагаллар ҳам  
бўлмаслигини тақозо этади.



Ҳеч бир ишда шошилмасдан, айни пайтда суст-  
кашликка йўл қўймасдан, факат ва факат ўзимиз-  
нинг кучимизга ишониб, таяниб яшшимиз керак.



Эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан,  
ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, шу пайтга  
қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган  
мураккаб ва оғир йўлнинг факат бир қисми эканини  
ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз керак.



Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўр-  
ган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаёт-  
ган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не  
Улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини

аңглаган, миллий ғуур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интилаётган бизнинг халқимизни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.



Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инкилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.



Агар биз шунча вақт, куч-куват сарфлаб амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг мақсади ва мазмунини халқимиз тушунмаса, жамоатчилигимиз қўллаб-куватламаса, бундай ислоҳотлар курук гапга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.



Халқ қачон норози бўлади, жамиятда қачон тўполонлар пайдо бўлади? Агар ўта бойлар кўпайиб, уларнинг бойлиги ортаверса ва камбағалларнинг ҳаёти борган сари nochorлашиб кетса. Бу борада Ўзбекистондаги вазият мўътадил эканини одамлар кўриб-билиб турибди. Жамиятда адолат бузилса, бойлар ўртacha яшаётган одамларни ёки камбағалларни ўзига teng кўрмаса, бундай давлатнинг умри узок бўлмайди. Кескин норозилик одамларни кўчага чиқиб, ўз талабини ҳокимият идоралари олдига

күйишга мажбур қиласы. Нега деганда, бугун одамларнинг онги ўзгаряпти, энди ҳеч ким қул бўлиб, карам бўлиб яшашга рози бўлмайди.



Биз ўрта синф деганда, ён-атрофимиздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йўллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-ғайрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишбилармонларни тасаввур қиласиз.



Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон худудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.



Бугунги кунда дунё бозорига кириб бориш, ўрин эгаллаш гоят оғир вазифа. Аммо бу қанчалик мураккаб бўлмасин, биз жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимиз шарт. Шу борада, аввалимбор, юксак технологияларга асосланган кўшма корхоналарни, яъни хорижлик ҳамкорларимиз билан биргаликда янги ишлаб чиқариш

корхоналарини ташкил қиляпмиз ва айни шу йўл билан ташки бозорга йўл очилади. Қўшма корхоналарнинг афзал томони шундаки, биз бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни мўлжаллаш билан бирга, уни келгусида қайси бозорда сотишни ҳам аниқлаб оляпмиз. Шу маънода, қўшма корхоналар бизнинг эртанги кунимиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.



Биз эришган ютукларимизни мустаҳкамлаб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш учун янги марралар сари интилишимиз, тараққиёт йўлидан катъият билан боришимиз зарур.

Агар биз шу йўлдан бормасак, тез суръатлар билан ўзгараётган тараққиётнинг бир чеккасида қолиб кетишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Лекин, айтинглар, бу бизга ярашадими? Йўқ, албатта.



Мен ўзбек дехқонининг меҳнати – бу ҳақиқий қаҳрамонликдир, деб айтишдан ҳеч қачон чарчамайман. Ўзбек дехқонига teng келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни дунёда топишнинг ўзи кийин.



Ҳаммамизга аёнки, ер ҳам бамисоли тирик жон, унга ҳам қараш, парвариш қилиш керак. Ўзингиз айтинг, биз бу масалага катта эътибор бериб, мана шундай улкан ишларни амалга оширмасак, аҳолимизни боқиш, бозор ва дўконларимиздаги

тўкинчиликни, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлай олармидик? Бугунги кунда озик-овқат маҳсулотларининг нархи кўп мамлакатларда қандай ўсиб бораётганини ҳаммамиз матбуот, телевидение оркали қўриб-билиб турибмиз.



Халқимиз манфаати, унинг эртанги тақдирига дахлдор ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб, бир кесишимиз зарур.



Ҳаётнинг қонуни шундайки, туғилиш бор экан, ўлим ҳам ҳақ. Бу нарса инсоннинг ихтиёрига boglik эмас. Демокчиманки, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган. Лекин Худо одамга бу ҳаётни, бу умрни инсоний бурчини адо этиш учун буюрган. Умр мазмуни қилинган эзгу ишлар ва яхшиликлар билан ўлчанади. Эй инсон, ҳаётинг давомида бу бурчингни қандай бажаряпсан, бу дунёда сендан қандай изқоляпти, деган саволларга биз ҳар куни, ҳар дақиқа жавоб излашимиз, ҳаёлимизнинг бир чеккасида доимо шу масала туриши керак.



Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. Мен болаларимга айтмоқчиман: азиз фарзандларим, ҳеч қачон ўкиш-ўрганишдан, изланишдан уялманлар. Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд килмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди.



Мен ёшларимизга қараб айтмоқчиман: агарки қачон биз хоҳлаган замон келса, ана ўшандада муродимизга етамиз, деган фикр билан бемалол юрадиган бўлсак, билиб қўйинглар, бундай замон ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди. Ўзимиз истаган замон учун курашиш, керак бўлса, ўзимизни, бутун борлиғимизни беришимиз лозим. Шундай интилиш билан яшасак, нафақат ўз ҳаётимиз, балки келажак авлодларимиз ҳаётини, уларнинг эртанги ёруғ кунини ўзимиз, ўз қўлимиз билан барпо этган бўламиз.



Болаларимизнинг тарбиясини маҳкам ушлашимиз лозим. Йўқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодисан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисисан, деган гапларни уларнинг қулоғига қуиши керак. Бугун яхши яшаяпмиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узилмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф.

Шу боис мен ҳамиша таълим-тарбия соҳасида ишлайдиган юртдошларимизни ўзимга якин тутаман, уларнинг машакқатли меҳнатини қадрлашни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

Давлатимизнинг мукофотларини беришда, авваламбор, ўқитувчи ва мураббийларға эътибор қаратаман. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини олгандар орасида айнан ўқитувчилар кўпчиликни ташкил қилиши бунинг тасдиғи эмасми?



Мен Ўзбекистон учун, унинг сиёсати учун жа-  
вобгарман. Кимдир бизни ўз тўдасига олиб, етакчи-  
лик қилмокчи бўлса, адашади. Биз у ёқка борамиз,  
бу ёқка борамиз, деган гапларни совет даврида кўп  
эшитганмиз. Лекин бу гапларнинг нималарга олиб  
келганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундан хулоса  
қилиб, биз фақат ўз ақлимиз билан яшаймиз, бизга  
манфаат берадиган ишларни қиласиз.



Бир ҳақиқатни барчамиз, биринчи навбат-  
да ёшларимиз аниқ-равshan тушуниб олишини  
истардим: мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жа-  
мият қуриш мақсадида бошлаган ишларимиз-  
ни мантиқий якунига албатта етказиш – бу биз  
учун тарихимизнинг ўзи исботлаб бераётган  
энг тўгри йўл ва биз шу йўлдан ҳеч қачон ортга  
қайтмаслигимиз шарт. Шуни унутмаслигимиз ке-  
ракки, мустақиллик, бугунги эркин ҳаёт, бугунги  
бекиёс имконият ҳар қайси миллат, ҳар қайси ав-  
лод тарихида фақат бир марта бериладиган улуғ ва  
ноёб неъматдир.

Агарки биз учун ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот  
масаласи бўлган ана шу имкониятни бой берсак,  
зиммамизга юклатилган буюк тарихий масъули-  
ят ҳиссини йўқотсак, ўз олдимизга қўйган олий  
мақсадларга етиш учун юртимизда яшаётган ҳар  
қайси онгли инсон бор куч-гайрати, ақл-заковати-  
ни бағишлишига эриша олмасак, очиқ айтиш керак,  
биз эл-юртимиз олдида, ёш авлодимиз, жондан азиз

фарзандларимиз олдида хиёнат қилган бўламиз.  
Ўз-ўзидан равшанки, бунга йўл қўйишга бизнинг  
ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.



Бизнинг ўз ақлими, билим ва тажрибами,  
халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб ол-  
ган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва тутқунликка  
қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз.

Биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч  
қандай иттифоққа ҳеч қачон кирмаймиз, мустабид  
совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун  
ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлиги-  
га, Ватанимиз мустақиллигига бағишиладим ва бу  
йўлдан ҳеч қачон қайтмайман.

## МУНДАРИЖА

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? .....	3
Соглом авлод – Ўзбекистон келажаги.....	13
Ўзбекистон ёшлари дунёда хеч кимдан кам эмас .....	31
Спорт – соғломлик ва комиллик гарови.....	47
Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг фарзандларимиз? .....	57
Куч – билим ва тафаккурда .....	69
Миллий қадриятлар – миллатнинг руҳи .....	83
Маънавий юксалиш – давр талаби .....	89
Ўзбекистон – ягона Ватан .....	101
Эртага ким бўлишимиз, қандай янги мэрраларни эгаллашимиз керак? .....	117

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**ЁШЛАР БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ  
ХАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ  
ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР**

*Тошкент «Маънавият» 2015*

Тўпловчилар: *A. Эркаев, M. Қаршибоев, P. Кўчкоров*

*Муҳаррир K. Раҳмонов*

*Рассом C. Шуҳрат*

*Мусаххих C. Тошқулова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишига 16.12.2015 йил-  
да руҳсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . «Таймс» гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 6,72.  
Нашр табоғи 6,44. Буюртма №15-116. Адади 15000 нусха.  
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-үй. Шартнома № 81-15.